

**УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/30.11.2021.Т.55.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАДЖИЕВ АЗАМАТ ШАМУРАТОВИЧ**

**ОРОЛБЎЙИ НООРГАНИК ХОМАШЁЛАРИ АСОСИДАГИ ЯНГИ  
ТУРДАГИ ҚЎШИМЧАЛИ КОМПОЗИЦИОН БОҒЛОВЧИ  
МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ХОССАЛАРИ**

**02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of dissertation doctor of Philosophy (PhD)**

**Хаджиев Азамат Шамуратович**

Оролбўйи ноорганик хомашёлари асосидаги янги турдаги қўшимчали  
композицион боғловчи материалларнинг технологияси ва хоссалари.....3

**Хаджиев Азамат Шамуратович**

Технология и свойства композиционных вяжущих материалов с новыми  
видами добавок на основе неорганического сырья Приаралья..... 21

**Khadzhiev Azamat Shamuratovich**

Technology and properties of composite binders with new types of additives based on  
inorganic raw materials of the Aral Sea region.....40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....43

**УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/30.11.2021.Т.55.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАДЖИЕВ АЗАМАТ ШАМУРАТОВИЧ**

**ОРОЛБЎЙИ НООРГАНИК ХОМАШЁЛАРИ АСОСИДАГИ ЯНГИ**  
**ТУРДАГИ ҚЎШИМЧАЛИ КОМПОЗИЦИОН БОҒЛОВЧИ**  
**МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ХОССАЛАРИ**

**02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар**  
**технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/T3023 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Урганч Давлат Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Атабаев Фаррух Бахтиярович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Алимов Умарбек Кадырбергенович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Искандеров Ахмед Максетбаевич**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Навоний давлат кончилиқ ва технологиялар университети**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.11.2021.T.55.06 рақамли илмий кенгашнинг «12» май 2023 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14. Тел: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-66-16; [www.urdu.uz](http://www.urdu.uz), e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz)).

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1994 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14. Тел: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-65-16

Диссертация автореферати 2023 йил «28» апрель кuni таркатилди.  
(2023 йил «28» апрель 3 - рақамли реестр баённомаси)



**Жуманиязов М.Ж.**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Аптова Ш.К.**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

**Курамбаев Ш.Р.**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси))**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёнинг ривожланган давлатларида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш суратлари кескин ривожланиб бормоқда. Дунё миқёсида цемент ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилда 4,2 млрд. тоннани ташкил этиб, 2030-йилга бориб унинг ўсиш суръати 1.8 % ва ҳажми 5,0 млрд тоннага етиши кутилмоқда. Бундай ҳажмда цемент ишлаб чиқариш катта миқдорда сифати юқори бўлган хомашёлардан ва ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланишни тақазо этади. Шу билан бирга цемент олишда махсус фаол қўшимчалардан фойдаланиш ва бунинг ҳисобига маҳсулот чиқишини ошириш ҳамда унинг эксплуатация хоссаларини яхшилаш масалалари кун сайин долзарблашиб бормоқда. Шу ўринда минерал хомашё ва техноген ресурслардан фойдаланган ҳолда, тақчил ва ноёб бўлмаган фаол минерал қўшимчаларни қўллаб, экспортбоп модификацияланган минерал боғловчилар олиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг илмий тадқиқот марказларида минерал боғловчилар олишда ноанъанавий хомашёлардан фойдаланиш билан бирга, турли техноген чиқиндилар ҳамда фаоллиги юқори бўлган қўшимчаларни қўллашга қаратилган илмий тадқиқот ишларининг салмоғи ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида маҳсулот ҳажмининг ошиши билан бирга, қурилиш индустриясини таннархи арзон, сифати юқори бўлган маҳсулот билан таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб минерал боғловчи таркибига фаоллиги юқори бўлган қўшимчаларни киритиш ҳисобига маҳсулотнинг ҳажми ва эксплуатация хоссаларини оширишга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш ва жорий қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда минерал боғловчилар ишлаб чиқариш учун хомашё, энергия ва меҳнат ресурсларининг етарлигидан келиб чиқиб, юқори маркадаги боғловчилар олиш борасида муайян илмий амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026-йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси»нинг миллий иқтисодий ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш» деб номланган бўлимида «Маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлашга асосланган юқори қўшимча қийматли маҳсулот ва технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқариш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»<sup>1</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндиларидан боғловчи материаллар ишлаб чиқишга оид тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026-йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги, 2017-йил 18-январдаги ПҚ-2731-сонли «2017-2021-йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019-

---

<sup>1</sup>ПФ-60-сон 28.01.2022. 2022 — 2026 Йилларга Мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси Тўғрисида (lex.uz)

йил 25 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Цементда кечадиган ишқорий-кремнеземли реакцияларни  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  билан ўзаро таъсирлашиб кальций-силикат гидрогелларини ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлган ноорганик минерал қўшимчалардан фойдаланиб суслантириш усуллари ишлаб чиқиш устида Ю.М. Баженов, М.М. Сычев, В.В. Тимашев, Т.В. Кузнецова, М.Я. Бикбау, М.И. Кузьменков, Т.С. Куницкая, А.К. Сатыбалдиев, С.В. Самченко, Е.Ю. Малова, А.М. Маноха, С. Жосепх, С.Бишнои, Бален К.Ван, Х.Й. Ванг, Й.Луан, В. В. Бабков, А.И. Габитов, Р.Р. Сахибгареев, И.С. Сагитов, Р.С.Федюк, Е.М. Макаров, Ж.А. Ларби, Ж.М. Бижен, Л.Р. Робертс, W.P. Грасе, Я.Г. Назиров, Е.Г. Матвеева, С.С. Каприелов, М.Е. Воронков ва шу каби бошқа кўплаб олим ва тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб борганлар.

Портландцементни умрбоқийлигини, жумладан, алит миқдори юқори клинкерни алюмосиликатли қўшимчалар билан қисман алмаштириш орқали унинг сульфатбардошлигини оширишга мамалакатимиз олимларидан И.С. Канцепольский, М.Г. Ғуломов, Т.А. Отакузиев, М.И. Искандарова, З.П. Пўлатов, Ф.Б. Атабаев, А.М. Искендеров, Г.Б. Бегжанова, З.А. Мухамедбаева, Х.Л. Усманов, Д.К. Одилов, Д.Д. Мухиддинов, Б.Б. Ботиров, А.Г. Нимчик бошқалар ҳам салмоқли ҳисса қўшганлар.

Натижада агрессив сульфатли муҳитлар таъсирига бардоши юқори бўлган турли таркибдаги портландцементлар ишлаб чиқилган ва уларни олиш технологиялари жорий этилган; кўп компонентли цементлар ишлаб чиқаришга ҳам алюмосиликат таркибли (глиежлар, туффитлар, метакаолин, култошқол чиқиндилар, вулқон тоғ жинслари, сопол синиқлари ва ҳ.к), ҳам юқори кремнеземли (ўта майин микрокремнезем, кварц-далашпатли кумлар, бархан кумлари, флюорит ва вольфрам рудаларини бойитиш чиқиндилари, пўлат олишдаги қайта ишланган тошқоллар ва ш.к.) фаол минерал қўшимчалар жалб этилган; цемент тошида структура шаклланишини мақсадли бошқаришга ва унинг хоссаларини оптималлаштиришга эришилган; икки- ва ундан ортиқ фаол минерал қўшимчалар тутган композицион портландцементлар ишлаб чиқилган; эксплуатация хоссалари яхшиланган цемент композити гидратланиши ва шаклланишидаги физик-кимёвий жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари аниқланган.

Шу билан бирга, соҳада кремнеземли қўшимчаларнинг конларини цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳудудий яқинлигини ҳисобга олган ҳолда, портландцементни гидратланиш жараёнида уларнинг арзон ва қулай янги турлари билан легирлаш орқали кам клинкерли ПЦ олиш технологиясини ишлаб чиқиш; янги турдаги маҳаллий ноорганик қўшимчаларни цемент тошинини физик-механик хоссаларига ва умрбоқийлигига таъсирини тадқиқ

қилиш; янги турдаги кремнеземли кўшимчали ПЦ ишлаб чиқаришнинг технологик ва иқтисодий самарадорлигини асослаш ва шу каби бошқа ечилмаган муаммолар мавжуд.

Бу муаммоларни ечими, тупроқ, тупроқ ости ва сизот сувларини минераллаштириш даражаси юқори бўлган ва жадал ривожланаётган қурилиш саноати эҳтиёжини қоплаш учун кўшимча сифатида кремнеземли маҳаллий қулай кўшимчалардан фойдаланиб цементни ассортиментини кенгайтириш ва эксплуатация хоссаларини яхшилаш Қорақалпоғистон Республикаси учун аниқсиз долзарб бўлиб, бу ўз навбатида цементга минерал кўшимча сифатида уларни яроқлилигини аниқлаш бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 11/2021 – сонли «Минерал хом ашёлар ва саноат чиқиндилари асосида халқ хўжалиги маҳсулотларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Оролбўйи ноорганик хомашёлари асосидаги янги турдаги кўшимчали композицион боғловчи материалларнинг технологиясини ишлаб чиқиш ва хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Қарақалпақ цемент» ҚК МЧЖ ПЦ клинкери, Хўжақўл қони песчаниги ва Қаратау қони порфиритларининг кимёвий, минералогик таркибларини ҳамда физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш, олинган натижаларга асосланиб, уларни ноорганик композицион боғловчи материаллар олишга яроқлилигини баҳолаш;

минерал кўшимчаларни механик фаоллаштиришнинг физик-механик асослари ва қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш;

«клинкер - порфирит» ва «клинкер - песчаник» системасида уларни комплекс таҳлилидан келиб чиқиб, Студент мезони бўйича гидравлик фаоллиги қиймати ва эркин оҳакни ютиш бўйича пуццолан қобилятини аниқлаш;

композицион боғловчи материаллар олишда механик фаоллаштирилган кўшимчаларни физик-механик хоссаларига таъсирини ўрганишга оид тадқиқотлар олиб бориш;

композицион боғловчи материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва саноат миқёсида синовдан ўтказиш, материал баланси ва техник иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Қарақалпақ цемент» ҚК МЧЖ ПЦ клинкери, Хўжақўл қони песчаниги, Қаратау қони порфирити ва улар асосидаги шихта таркиблари, композицион минерал боғловчилари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** «Қарақалпақ цемент» ҚК МЧЖ ПЦ клинкери, Хўжақўл қони песчаниги, Қаратау қони порфиритларини қайта ишлаб композицион боғловчи материалларни олиш усуллари, маҳсулот олиш жараёнининг физик-кимёвий асослари ва технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида замонавий физик-кимёвий (рентгенфаза, дифференциал-термик, электрон-микроскопик, ИҚ ва рентген

флюоресцент спектроскопия) таҳлил усулларида фойдаланилган. Шунингдек, олинган композицион боғловчи материал намуналарини физик-кимёвий ва технологик хоссаларини аниқлашда боғловчи материалларни тадқиқ қилишда қўлланиладиган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

илк бор «Қарақалпақ цемент» ҚҚ МЧЖ ПЦ клинкери, Хўжакўл кони песчаниги ва Қаратау кони порфиритлари комплекс таҳлил қилиниб, улар асосида композицион ноорганик боғловчи олиш имконияти исботланган;

минерал қўшимчаларни механик фаоллаштириш ҳисобига уларнинг минералогик таркиблари ва структураси наноструктурали аморфлашган кўринишга ўзгариши аниқланган;

«клинкер - порфирит» ва «клинкер - песчаник» системасида уларни комплекс таҳлилидан келиб чиқиб, Стюдент мезони бўйича гидравлик фаоллиги қиймати ва эркин оҳакни ютиш бўйича пуццолан қобиляти тадқиқ қилинган ва шундан келиб чиқиб олинган цемент намуналари механик мустаҳкамлик кўрсаткичи устунлиги исботланган;

таклиф қилинган қўшимчаларни қўшиш ҳисобига анъанавий портландцемент маркасини давлат андозалари талаби доирасида сақлаган ҳолда маҳсулот чиқишини 20% гача ошириш исботланган;

цементларда  $C_3A$  ни улуши камайиши ва гидроалюминатлар кам миқдорда ҳосил бўлиши ҳисобига, алюминий ионлари кальций гидросиликатларини структурасига кириб, цемент композитини ПЦ400-Д0 даражасида зичланиши ва мустаҳкамланишида етакчи ўрин тутадиган, тоберморитни А1-ли аналоглари – филлипсит ҳосил бўлиши эҳтимоли асосланган;

порфирит ва песчаникни қайта ишлаб, улардан цемент клинкерини янчиш ҳисобига олинган композицион боғловчи материаллар технологияси ишлаб чиқилган ва олинган намуналарнинг хоссалари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

«Қарақалпақ цемент» ҚҚ МЧЖ ПЦ клинкери, Хўжакўл кони песчаниги ва Қаратау кони порфиритларни қўллаш ҳисобига гидравлик ва пуццолан фаол, механик кучланишларга чидамлилик кўрсаткичлари юқори бўлган композицион боғловчи олиш технологияси яратилган;

механик фаоллаштирилган юқори кремнеземли қўшимчаларни қўллаш ҳисобига энергия ва ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланиш ҳисобига олинадиган маҳсулот таннархини камайтириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларини давлатлараро ва Ўзбекистон миллий стандартлари усул ва талабларига мувофиқ олинганлигида, тажрибаларни мувофиқлик сертификатларига эга қурилма ва жиҳозларда, замонавий физик-кимёвий (рентгенофазавий, ДТА, ИҚС, оптик ва электрон-микроскопик) таҳлил усуллари қўллаб бажарилганлиги билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ноорганик характердаги хомашёларни қайта ишлаш ва янчиш усули билан «клинкер-порфирит ва клинкер – песчаник» системаларида синтез қилинган композицион минерал боғловчининг кристалл фазаларини ҳосил бўлиш жараёни қонуниятларини асослаш композицион



минерал боғловчиларнинг физик механик ва эксплуатацион хоссаларини компанетларнинг нисбатларига боғлиқлигини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, цемент клинкери песчаник ва порфритлардан маълум нисбатларда фойдаланиб, гидравлик ва пуццолан фаол, физик механик хоссалари яхшиланган композицион минерал боғловчиларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқишга ҳамда шу йўналишдаги олий таълим муассасаларида бакалавр ва магистрларни таёрлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Янги турдаги ноорганик қўшимчали композицион боғловчи материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Каратау кони порфирити ва Хўжакўл кони песчаниги киритилган композицион боғловчи материаллар ишлаб чиқариш технологияси «Каракалпак цемент» ҚҚ МЧЖда амалиётга жорий этилган («O'zsanoatqurilishmateriallari» уюшмасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 05/15-2748-сон маълумотномаси). Натижада, юқори ҳароратда олинадиган клинкерни 20% гача иқтисод қилиб, композицион боғловчи материал ишлаб чиқаришни саноат миқёсида йўлга қўйиш имконини берган;

янги турдаги «клинкер - порфирит» ва «клинкер - песчаник» таркибли боғловчи материаллар олиш технологияси «Титанцемент» ҚҚ МЧЖнинг «амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («O'zsanoatqurilishmateriallari» уюшмасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 05/15-2748-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий хомашёларидан фойдаланиб давлат стандартларига тўла жавоб берувчи композицион боғловчи материал олиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 4 та илмий мақола, шулардан 2 таси республика ва 2 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари, тадқиқотни республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, илмий ва амалий натижалар баён этилган, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни цемент ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, чоп этилган ишлар, диссертациянинг тузилмаси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Кремнеземли қўшимчали цементлар ишлаб чиқариш технологиясининг ҳозирги ҳолати ва истиқболи» мавзусидаги биринчи бобида, цемент учун фаол минерал қўшимчаларни синфларга туркумланиши ва ишлатилиши, табиий ва иккиламчи алюмосиликат ва кремнеземли хом ашё ресурсларини қўшимча сифатида қўллаб олинган композицион цементларни таркиблари ва технологиялари борасидаги илмий-техник ва патент адабиётлар манбалари маълумотларини умумлаштириб таҳлил қилиш асносида, уларнинг камчилик ва ютуқлари очиқ кўрсатилган.

Таркибида фаол кремний ва алюминий тутган фаол култошқол аралашмаси, трепел, опока, турли хил вулкон жинслари каби қўшимчалар, цемента клинкерни маълум қисмини алмаштириши уни физик-механик ва қурилиш-техник хоссаларини яхшилашга, оҳакни жадал ютиши натижасида ПЦни ва унинг асосидаги бетонни ҳам хоссаларини яхшилашга олиб келиши кўрсатилган.

Қорақалпоғистон Республикасидаги «Қарақалпак цемент» ҚК МЧЖ ва «Титанцемент» ҚК МЧЖ каби цемент корхоналарини цемент учун маҳаллий минерал қўшимчаларга эҳтиёжи жуда катталиги, республикада эса песчаниклар, туфлар, вулкон жинслари каби кремнеземли хом ашё ресурслари катта захирага эга эканлиги туфайли, уларни технологик хоссаларини батафсил ўрганиб, қўллаган ҳолда ПЦларни таркиблари ва ишлаб чиқариш жараёнларини технологик параметрларини оптималлаштириш зарурати пайдо бўлди.

Диссертацияни «Дастлабки материалларни тавсифлари ва тадқиқот усуллари»га бағишланган иккинчи бобида «Қарақалпак цемент» ҚК МЧЖ ПЦ клинкерини, Хўжақўл кони песчаниги ва Қаратау кони «Қаратау-1» участкаси порфиритини кимёвий-минералогик таркиблари ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш бўйича натижалар келтирилган. (1-жадвал). Кимёвий таркиби бўйича «Қарақалпак цемент» ҚК МЧЖ клинкери О'з DSt 2801ни ПЦ клинкерга қўйган талабига мувофиқ келади, аммо таркибида 5,5% SO<sub>3</sub> мавжудлиги, уни Ўзбекистондаги бошқа цемент корхоналарида ишлаб чиқарилаётган анъанавий ПЦ клинкерларни таркибидан фарқлантиради.

**1-жадвал**



**Дастлабки материалларнинг кимёвий таркиблари**

Материалнинг номи	Оксидларнинг миқдори, масс. %								
	к.м.й	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	SO <sub>3</sub>	Пр.	Σ
ПЦ клинкер	0,31	18,03	6,22	3,94	58,93	1,98	5,55	5,04	100,0
	Клинкернинг минералогик таркиби, масс. %								
	C <sub>3</sub> S-55,04; C <sub>2</sub> S-17,81; C <sub>3</sub> A-5,15; C <sub>4</sub> AF-15,47; CS-1,65								
Песчаник	2,54	76,72	8,20	4,78	0,83	1,40	0,24	5,30	100,0
Порфирит	5,72	51,42	18,51	7,53	5,28	3,8	0,91	6,83	100,0
Гипс тоши	20,30	2,80	0,49	сл.	30,98	сл.	42,80	2,63	100,0
	CaSO <sub>4</sub> ·2H <sub>2</sub> O = 42,80x2,15 = 92,02%								

ПЦ клинкерини рентгенфазавий таҳлили, унда  $C_3S$  алитни чизиқлари суръати юқорилигини ( $d/n = (0,302; 0,295; 0,276; 0,274; 0,260; 0,218; 0,175...)$  nm;  $C_2S$  белит -  $d/n = (0,276; 0,274; 0,260; 0,218; 0,198...)$  nm;  $C_3A$  целита – ( $d/n = (0,270; 0,218; 0,157; 0,138...)$  nm ва  $C_4AF$  браунмиллерит - ( $d/n = 0,716; 0,276; 0,263; 0,204; 0,192 ...)$  nm,  $2(2CaO.SiO_2).CaSO_4$  сульфосиликат ( $d/n = 0,716; 0,348; 0,260; 0,256; 0,204; 0,181...nm$ ) ва  $3CaO.3Al_2O_3.CaSO_4$  кальций сульфоалюминати ( $d/n = 0,372; 0,263; 0,243; 0,215; 0,162; 0,148; 0,138 ...nm$ ) мавжудлигини кўрсатди. Унинг ИҚ-спектрлари  $400-1150\text{ см}^{-1}$  тўлқин узунлиги оралиғида бир неча қисмларга бўлакланган кенг, энг катта ютилиш чизиғи ( $482,20; 522,71; 511,43; 677,01; 769,60; 875,68$  и  $1124,50$ )  $\text{см}^{-1}$  бўлган тўлқинлар юзага келганлигини ва улар Si-O-Si боғламларига тегишли эканлигини билдиради, қиймати  $1124,50\text{ см}^{-1}$  бўлган ютилиш эса сульфат гуруҳининг кальций алюминатлари ва силикатлари синчли структурасига кириб жойлашганлигидан далолат беради



«Каракалпак цемент» ҚК МЧЖ клинкерини синган юзаси турли шакллардаги (гексагонал, призма, куб, пластинкасимон) куйиб пишган ва зич жойлашган доналардан иборат бўлиб, унинг асосий қисми маълум шаклга эга бўлмаган массада иборат (1-расм).

Хўжақўл кони песчаниғи Қораузоқ туманининг Нукус шаҳридан 55 км жануби шарқида жойлашган. Песчаник чўкинди тоғ жинси бўлиб, ташқи кўриниши бўйича ранги оч кулранг, баъзан қизғиш жигарранг (2-расм).



**1-расм. «Каракалпак цемент» ҚК МЧЖ клинкерини синик юзасининг электрон микрофотографияси**

Уни рентгенограммасида кварцни юқори интенсивликни намоён қилган чўққилари ( $d/n=0,421; 0,331; 0,244; 0,228; 0,212...)$ , дала шпатлари ( $d/n = 0,628; 0,467; 0,443; 0,399; 0,363; 0,351; 0,319; 0,301; 0,288...; 0,181...$ ), кальцит ( $d/n = 0,301; 0,228; 0,208; 0,188 ...$ ), гидрослюдадар ( $d/n=0,363; 0,351; 0,331; 0,301; 0,291; 0,288; 0,258; 0,254 ...$ ) nm, ва хлоритларга ( $d/n=0,628; 0,467; 0,351; 0,291; 0,258; 0,244; 0,228; 0,208; 0,188; 0,177; 0,166 ...$ ) тегишли эканлиги аниқланди (2а-расм). Жараён энтальпияси -63,62 Дж/г.



**2-расм. Песчаникнинг рентгенограммаси (а) ва ДСК-термик эгри чизиғи (б)**


Песчаник қиздирилганда унинг термик эгри чизиғида иккита эндоэффект пайдо бўлди, улардан максимуми  $T_{\max}=51,9^{\circ}\text{C}$  термик тўхтам юзага ютилган сувни чиқиб кетиши (жараён энтальпияси- 98,5 Дж/г.), максимуми  $T_{\max}=287,9^{\circ}\text{C}$ га тўғри келган иккинчиси эса – ундаги минералларни кристалл панжарасидаги кристалланган сувнинг йўқолиши билан боғлиқ (2б-расм). Жараён энтальпияси - 63.62 Дж/г.

ИҚ-спектрлардаги тўлқин узунлиги ( $400\text{-}1100$ )  $\text{cm}^{-1}$  оралиқдаги ютилиш суръатлари турлича бўлди ва ушбу тўлқин узунлиги максимумлари ( $416,62$ ;  $439,77$ ;  $487,99$ ;  $534,28$ ;  $596,0$ ;  $648,006$ ;  $692,44$ ;  $777,31$ ;  $1000$ )  $\text{cm}^{-1}$  ларга тўғри келган тўлқин узунлиги ютилишларни Si-O-Si тизимидаги кординацион ва деформацияланиш тўлқинлари келтириб чиқарди. Бу эса таркибдаги дала шпатлари структурасидаги  $\text{Si}^{4+}$  ионларини қисман  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Al}^{3+}$  ионлари билан алмашганлигини ифодалайди. Шунингдек ИҚ спектри таҳлилида ютилиш тўлқин узунлиги максимуми бироз иккига бўлинганлиги ва тўлқин узунлиги баланд томонга ( $1028\text{ cm}^{-1}$ ) сурилганлигини ҳам асослайди.


«Каратау-1» кони Қорақалпоғистоннинг Қораузоқ туманидаги Кегейли посёлкасида 80 км жануби-шарқда жойлашган. Кондаги порфиритнинг захираси 63 миллион тоннадан ортиқни ташкил қилади. Порфиритлар майда заррачалардан иборат жинс бўлиб, ранги оч-кулранг, айрим жойлари темирли аралашмалар мавжудлиги туфайли жигарранг-қизғиш рангда.

Жинс таркибида кремний оксидининг миқдори юқорилиги (51,42%) туфайли, уни порфирини пироксенли турига қўшиш мумкин (жадвал 1). Порфиритнинг минерал таркиби кварц ( $d/n=0,424$ ;  $0,333$ ;  $0,244$ ;  $0,228$ ;  $0,212$ ;  $0,182\dots$ ), дала шпатлари ( $d/n=0,631$ ;  $0,495$ ;  $0,468$ ;  $0,400$ ;  $0,375$ ;  $0,365$ ;  $0,318$ ;  $0,291$ ;  $0,282$ ;  $0,182$ ;  $0,178$ ); кальцит ( $d/n=0,303$ ;  $0,249$ ;  $0,228$ ;  $0,209$ ;  $0,200$ ;  $0,188$ ); гидрослюалар ( $d/n=0,495$ ;  $0,365$ ;  $0,352$ ;  $0,333$ ;  $0,303$ ;  $0,291$ ;  $0,282$ ;  $0,254$ ) ва хлоритлардан ( $d/n=0,700$ ;  $0,631$ ;  $0,495$ ;  $0,468$ ;  $0,385$ ;  $0,375$ ;  $0,365$ ;  $0,291$ ;  $0,259$ ;  $0,244$ ;  $0,228$ ;  $0,212$ ;  $0,188$ ;  $0,182$ ;  $0,178$ ;  $0,156$ ) иборат (3а-расм).

Порфирит қиздирилганда ( $25\text{-}140$ ) $^{\circ}\text{C}$  ҳарорат оралиғида термик эгри чизикда иккита эндотермик эффект пайдо бўлди, улардан максимуми  $T_{\max}=60^{\circ}\text{C}$  га тўғри келган биринчиси адсорбцияланган сувнинг чиқиб кетишини кўрсатади (жараённинг энтальпияси - 138.5 Дж/г.),  $T_{\max}=125,4^{\circ}\text{C}$  да жойлашган иккинчиси – минералларни кристалл панжарасидаги сувни чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлиб, жараёни энтальпияси 10.91 Дж/г. га тенг (3б-расм).



а



б

3-расм. «Каратау-1» участка порфиритини дифрактограммаси (а) ва ДСК- термик эгри чизиғи (б)


Порфиритни ИҚ-спектрлари песчаникни ИҚ-спектрига деярли ўхшаш бўлиб,  $(400-1100) \text{ cm}^{-1}$  оралиқда максимумлари  $(453,27; 470,42; 592,15; 648,08; 721,38; 758,02; 692,44; 777,31; 981,77) \text{ cm}^{-1}$  тўлқин сонларида бўлган ютилишлар кузатилди. Улар орасидаги фарқ ютилиш тўлқин сонлари максимумлари бирозгина юқори тўлқин сонлари томонга сурилганлигидадир.

Диссертациянинг ушбу бобида экспериментларни олиб бориш усуллари, уларни бажаришда қўлланган прибор ва аппаратлар ҳам тасвирланган.

Диссертациянинг «Кремнезем миқдори юқори бўлган ноорганик қўшимчаларнинг янги турлари билан портландцементлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги учинчи бобида песчаник ва порфиритни фаоллигини ва уларни ПЦни физик-механик хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш натижалари ёритилган. Песчаникни Стюдент мезони бўйича гидравлик фаоллиги  $t=9,15$ , порфиритники эса  $t=24,47$  бўлиб, бу қийматлар О'з DSt 901-98 бўйича чегаравий  $t=2,07$  юқорилиги, песчаник ва порфиритни цементга фаол минерал қўшимчасифатида қўллашга асос бўлди.

Песчаник ва порфиритни СаО ни ютиш фаоллиги бир-бирига яқин: оҳакни тўйинган эритмасидан 30 суткада ютилган СаОнинг миқдори песчаник учун 30,03 мг/л, порфирит учун - 24,78 мг/л ни ташкил этди. Порфирит намунаси сақланган суюқликда СаО 6,9%, песчаникники 6,84% ни, эритманинг умумий ишқорлиги тегишлича 56 мэкв/л, ва 53,6 мэкв/л ни ташкил этди (4-расм). Бу натижалар уларнинг Стюдент мезони бўйича қийматларига мос келди.

Компонентлар нисбатлари тегишлича «клинкер+песчаник» (75-90)% ва (10-25)% бўлган аралашмалар туйилганда, майдаланишга мойиллиги ПЦ-Д0 га нисбатан бироз паст бўлди: уларнинг туйилиш майинлиги № 008 элакдаги қолдиқ бўйича (11,0-12,0)% ни ташкил этиб, бу ПЦ-Д0 (9,5%) никига нисбатан 1,5-2,5% кўп. Лекин ПЦларни бу дисперслиги ГОСТ 10178 чегаралаган қийматдан (15% дан кўп эмас) юқори эмас.



**4-расм. Порфирит (А) ва песчаникнинг (В) пуццолан фаоллиги:**


a (-----) эритманинг умумий ишқорийлиги, мэкв/л (оҳакни эритмадаги миқдори, ммоль СаОм/л); b (-----) оҳакнинг 40<sup>0</sup>Сда эрувчанлик изотермаси

Песчаникнинг цементдаги миқдори 10% бўлганда унинг тишлашиш муддатини бошланиши ҳам (50 минутга), тугаши ҳам (120 минутга) ПЦ-Д0 никига нисбатан тезлашди (2-жадвал, 5-расм).

**2-жадвал**

**Песчаникли ПЦ ни тишлашиш муддатлари**

№ т/р	Цементнинг шартли белгиланиши	Тишлашиш муддатлари, минут	
		бошлаш	тугаш
1	П -Д0	4:00	5:35
2	ПЦ-Д10 ПЧ	3:10	4:15
3	ПЦ-Д15 ПЧ	4:15	5:30
4	ПЦ-Д20 ПЧ	4:20	5:30
5	ПЦ-Д25 ПЧ	4:05	6:00




**5-расм. ПЦ ни тишлашиш муддатларини песчаникни миқдори бўйича ўзгариши**

Песчаник қўшилган ПЦларни кирраларининг ўлчами 2 см, таркиби 1:0 кубча-намуналарда синалган мустаҳкамлик кўрсаткичлари қўшимча миқдорига пропорционал ҳолда пасайиши аниқланди, ва (10-20)% қўшимчали ПЦларда пасайиш 28 суткада 55,0 МПа дан 40,0 МПа гача ташкил этди (3-жадвал, 6-расм).

Цементларнинг мустаҳкамлигини кичик намуналарда аниқлаш, натижаларни нисбий баҳолашгагина имкон беради, шу туфайли, песчаникли ПЦни оптимал таркибининг мустаҳкамлиги ГОСТ 310-81 талабига мувофиқ аниқланди. Бунда унинг марка мустаҳкамлиги 42,6 МПа га тенг бўлиб, ГОСТ 10178 ПЦ400-Д20 маркали цементга қўйган талабига мувофиқ келади (3-жадвал).

## Песчаник қўшилган цементларнинг физик-механик кўрсаткичлари

№ т/р	Компонентларни нисбати, масс. %		Ўлчами 2х2х2 см кубча-намуналарнинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлик кўрсаткичлари, МПа		
	клинкер	песчаник	3 сутка	7 сутка	28 сутка
1	100	-	44,1	45,0	55,0
2	90	10	37,5	39,0	41,2
3	85	15	31,2	40,8	41,0
4	80	20	28,5	30,8	40,0
5	75	25	33,0	34,1	37,0
Песчаникли ПЦни стандарт 4х4х16 см ўлчамдаги намуналарини эгилиш/сиқилишга мустаҳкамлик кўрсаткичлари, МПа					
			3 сутка	7 сутка	28 сутка
1	Клинкер 100%	-	-	-	7,2/48,6
2	Клинкер 80%	20%	4,9 /25,2	5,8 /40,5	6,9/42,6



**6-расм. ПЦ мустаҳкамлигининг  
песчаник миқдорига боғлиқ  
ўзгариш кинетикаси: 1-ПЦ-Д0;  
2-ПЦ-Д10; 3-ПЦ-Д15; 4-ПЦ-Д20;  
5-ПЦ-Д25.**

Порфирит қўшилиши ПЦни тишлашишини тезлаштириб, тишлашиш бошланиши матрицага нисбатан (45-55) минут, тугаллаши (60-105) минут тезроқ бўлди (4-жадвал).

## Аралашмалар таркиби ва порфирит қўшимчасининг уларни майдаланишига таъсири

№ т/р	Цементнинг шартли белгиланиши	Компонентларнинг нисбати, масс. %		Туйиш вакти, минут	Майинлиги (№008 элакдаги қолдиқ бўйича), масс. %
		клинкер	порфирит		
1	ПЦ-Д0	100	-	40	9,5
2	ПЦ-Д10 ПО	90	10	40	10
3	ПЦ-Д15 ПО	85	15	40	11
4	ПЦ-Д20 ПО	80	20	40	11,5
5	ПЦ-Д25 ПО	75	25	40	11,5

Порфиритли цементларнинг қотиш жараёнини тадқиқ қилиш, қўшимча миқдори ортиши билан цемент тошининг мустаҳкамлиги бир текис пасайиб, 28 суткада 55,0 МПа дан 42,5 МПа гача камайишини кўрсатди (5-жадвал).

Порфиритнинг миқдори (10-20)% бўлганда мустаҳкамлик ПЦ-Д0га нисбатан (19,0-22,7)% га пасайди, 25% бўлганда эса пасайиш 38,0 МПа бўлиб, бу ПЦ-Д0 ни мустаҳкамлигини деярли учдан бир қисмини ташкил этади (7-расм). Таркибида 20% порфирит тутган ПЦ стандарт намуналар синалганда,



унинг гидравлик фаоллиги 7-суткада 35,8 МПа ташкил қилди ва бу 400 маркага мувофиқ келади, 28 суткада эса ушбу цементнинг гидравлик фаоллиги 42,5 МПа бўлиб, бу ГОСТ 10178ни ПЦ400-Д20 маркали цементга қўйган талабига анчагина мустаҳкамлик заҳираси билан мувофиқ келади.

Демак, «Каракалпак цемент» ҚК МЧЖни ПЦ-Д0 цементида 20% клинкерни кремнеземли қўшимчалар билан алмаштириб «суюлтириш», унинг дастлабки маркасини сақлаган ҳолда, таннархини пасайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг самарали варианты ҳисобланади.


#### 5- жадвал

#### Порфирит қўшилган цементларнинг физик-механик кўрсаткичлари

№	Компонентларнинг нисбати, масс. %		Ўлчами 2х2х2 см кубча-намуналарни сиқилишга бўлган мустаҳкамлик кўрсаткичлари, МПа		
	клинкер	порфирит	3 сутка	7 сутка	28 сутка
1	100	-	44,1	45,0	55,0
2	90	10	37,0	39,0	44,5
3	85	15	34,1	36,0	43,0
4	80	20	28,5	35,8	42,5
5	75	25	28,0	36,0	38,0

Песчаникли ПЦни стандарт 4х4х16 см ўлчамдаги намуналарининг эгилиш/сиқилишга мустаҳкамлик кўрсаткичлари, МПа					
			3 сутка	7 сутка	28 сутка
1	Клинкер 100%	-	-	-	7,2/48,6
2	Клинкер 80%	20%	4,9/25,2	5,8/ 40,5	6,9/42,6



**7-расм. ПЦни мустаҳкамлик йиғиши кинетикасини порфирит қўшимчасини миқдорига боғлиқлиги:**  
1-ПЦ-Д0; 2-ПЦ-Д10; 3-ПЦ-Д15; 4-ПЦ-Д20; 5-ПЦ-Д25.


Песчаник ёки порфиритли ПЦ ни қотишида кристаллогидратларнинг генетик босқичлари ва уларнинг цемент композитини физик-механик хоссалари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш борасидаги комплекс тадқиқотлар натижалари келтирилган. Таркиби 20% песчаникли ПЦни гидратланиш тезлиги ПЦ-Д0 никидан юқори: 1 суткадан кейин гидратли маҳсулотларга 1,51% кўпроқ сув боғланади, бу, эҳтимол, песчаникни таркибидаги тупроқли қисми сувни тез шимиши билан боғлиқ (8-расм).

Кейинги барча муддатларда то 90 суткагача, сувнинг боғланиш суръати аста-секин пасая бориб, 28 суткада кимёвий боғланган сув миқдори ПЦ-Д0 намуналариникидан 6,97% га, 90 суткада эса - 4,65% га кам, бу эса клинкер минералларининг гидратланиш жараёни секинлашганини кўрсатади. Песчаникли цементни 1 сутка қотган намуналарида суръати анчагина жадал аксланиш чизиқлари ( $d/n=0,260; 0,491; 0,192; 0,179; 0,162; 0,148 \dots \text{nm}$ ) пайдо





бўлганлиги,  $C_3S$  ни  $Ca(OH)_2$  ажратиб чиқариб гидролизланиши ва гидратланишидан далолат беради, унинг маълум қисми ҳаводан карбонат ангидрит газини ютиши ҳисобига  $CaCO_3$  га айланади ( $d/n=0,303; 0,244; 0,208; 0,186; 0,162; 0,154; 0,138$  nm).

Песчаник кўшилган ПЦнинг гидратланиш, фаза ва структура ташкил қилиш жараёнларидаги кимёвий боғланган сувнинг миқдори 1 суткалик қотишдан сўнг ПЦ-Д0 никига нисбатан 0,49% юқори, 3-7 суткада эса улар орасидаги фарқ жуда кам (тегишлича 3.2 ва 1,11%). Кейинги муддатлардан, то 3 ойгача, уни миқдори бир текис ошиб бориб, 28 суткада 12,57% ни ташкил этиб, ПЦ-Д0 дан (19,54%) деярли фарқланмади (8-расм).



**8-расм.** ПЦ намуналари қотаётганда кимёвий боғланган сув миқдорининг песчаникни миқдorigа кўра ўзгариши: №1 (—) ПЦ-Д0; №2 (—) ПЦ-Д20-ПЧ

Гидроалюминатларнинг структурасига  $CO_3^{2-}$  ни қисман жойлашиши ҳисобига паст карбонатли гидроалюминатлар  $3CaO \cdot Al_2O_3 \cdot CaCO_3 \cdot 12H_2O$  ( $d/n=0,757; 0,284; 0,166$  nm), ҳамда кам миқдорда моносулфата ( $d/n=0,406; 0,399; 0,240.....$ ) nm ҳосил бўлган. Қотишнинг 3-суткасида силикат минералларининг ( $d/n=0,319; 0,277; 0,274; 0,262.....$ ) nm чизиқларини суръати бирмунча пасайганлиги,  $Ca(OH)_2$  ники эса ўсганлиги песчаникли цементнинг гидроатланиш жараёни тезлашганлигини билдиради. Гидратланиш тезлиги ва гидратли минераллар ҳосил бўлиш тенденцияси қотишнинг кейинги 28 кунлик муддатларида ҳам сақланиб қолди (9 а-расм).




**9-расм.** Таркиби 20% песчаникли ПЦни 28 сутка гидратлангандаги дифрактограммаси ва сувда қотган тошининг синик юзасини рельефи.

Электрон микроскопда ўтказилган тадқиқотлар, қотаётган цемент тошининг 28 суткалик синик тоши юзасининг рельефи, структурани нисбатан

кам ғоваклилиги, ғовакларнинг кальций карбонати зич тахланган тахтасимон кўринишдаги ўсимталари ва гидросиликатларнинг призма шаклидаги кристаллари билан тўлдирилиш даражаси юқорилиги билан ажралиб туради (9 б-расм).


Порфирит кўшилган ПЦни гидратланиш, фаза- ва структура ташкил қилиш жараёнлари худди шунга ўхшаш кечади. Кимёвий боғланган сувнинг миқдори 1 суткалик қотишдан сўнг ПЦ-Д0 никига нисбатан 3,49% юқори, 3-7 суткада эса улар орасидаги фарқ жуда кам (тегишлича 0,28 и 1,77%). Кейинги муддатларда, то 3 ойгача, уни миқдори бир текис ошиб бориб, 28 суткада 18,63%ни ташкил этиб, ПЦ-Д0 дан (19,54%) деярли фарқланмади (10-расм).



**10-расм. Намуналардаги кимёвий боғланган сувни порфирит миқдorigа боғлиқ ўзгариши:**  
№1 (—) ПЦ-Д0; №2 (—) ПЦ-Д20

Рентгенфазавий таҳлил натижаларига кўра, 7-чи ва 28-чи суткада, «туйилган клинкер-порфирит-сув» тизимида гидратли маҳсулотларни энг кўпи портландит и кальций карбонатидан иборат.

Кальций гидрокарбоалюминатларнинг таркиби 3 ойга келиб барқарорлашди, уларнинг дифрактограммадаги юқори суръатдаги чизиқлари фонида, кальций гидросульфoалюминатлари ва гидроалюминатларининг чизиқлари аниқ кўринмади (11-расм).




**11-расм. Таркиби 20% порфиритли ПЦни 3 ой сувда қотган тошининг дифрактограммаси**

Порфирит кўшилган цемент тошини 28 суткадаги рельефи, турли шаклдаги кристалл агрегатлар, порфиритли ПЦ нинг «пастдан-тепага» тамойили бўйича ҳосил бўлган ва тоберморитни ўсиб, синиқ юзага перпендикуляр жойлашаётган калта призмасион кристалларидан иборат майда заррачали тузилишга эга (12 -расм).

Цементни қотиш жараёнида,  $Al^{3+}$  ионлари тоберморитнинг структурасига кириб, унинг Al-гидросиликатли аналоглари - «филлипсит» минерали ҳосил


қилиши, у портландит, кальций карбонат ва гидроалюминатлар билан чатишиб, зич жойлашиб, цемент тоши структурасини мустаҳкамлашда қатнашади деган фикрлар ҳам мавжуд.



**12-расм. Порфирит қўшимчали ПЦ тошини 28 сутка ва 3 ой сувда қотган синик юзасининг тузилиши**

Цемент таркибидаги клинкернинг улуши 20% га камайганлигига қарамай, унинг гидравлик фаоллиги 400 маркага мувофиқ келиши таъминланади.

Диссертациянинг «**Янги турдаги ноорганик қўшимчали цементлар қотаётганда гидратланиш ва композит структураси шаклланиш жараёнларини тадқиқ этиш**» мавзусидаги тўртинчи бобида песчаник ёки порфиритдан фойдаланиб ПЦ ишлаб чиқаришда «Қаракалпак цемент» ҚК МЧЖда амалдаги технологик тизимга бироз қўшимча киритилади, яъни қўшимчаларни бўлаклаш учун майдалагич ва қўшимчаларни қабул қилувчи дозаторли бункер ўрнатилади (13-расм). «Қаракалпак цемент» ҚК МЧЖ ПЦ клинкери ва порфирит қўшимчаси асосида цемент ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ҳам песчаник асосида цемент ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси билан бир хил бўлади.



**13-расм. «Қаракалпак цемент» ҚК МЧЖ ПЦ клинкери ва песчаник асосида цемент ишлаб чиқаришни технологик схемаси**

Агарда, песчаник ёки порфирит корхонага бўлакланган ҳолда етказиб берилса, унда қўшимчаларни бўлаклаб тегирмонни хампасига узатиш линияси таклиф этилаётган схемадан олиб ташланади, агарда клинкерда  $SO_3$  миқдори 1,5% кам бўлса, у ҳолда  $SO_3$  нинг цементдаги миқдори ГОСТ 10178га мувофиқ,

3,5%дан ошмаслигини ҳисобга олган ҳолда туйиладиган аралашмага қўшимча равишда гипс тоши қўшилади.

Таркиби юқори кремнеземли ноорганик қўшимчали ПЦнинг бир тоннасини олиш учун компонентларнинг сарфий меъёрлари ҳисобланган. Песчаник ва порфиритни цементга фаол минерал қўшимча сифатида қўллашнинг технологик ва иқтисодий самарадорлиги асосланган. Песчаник ва порфирит қўшилган ПЦ400-Д20 маркали цементни тажриба-саноат синовлари натижалари ва ишлаб чиқариш технологиясини «Қарақалпақ цемент» ҚК МЧЖ да ўзлаштирилганлиги ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

## ХУЛОСА

1. Илк бор «Қарақалпақ цемент» ҚК МЧЖ ПЦ клинкери, Хўжакўл кони песчаниги ва Қаратау кони порфиритлари комплекс таҳлил қилиниб, улар асосида композицион ноорганик боғловчилар олиш имконияти исботланган;
2. «Клинкер - порфирит» ва «клинкер - песчаник» системаси комплекс таҳлил қилинган. Хўжакўл кони песчаниги ва Қаратау кони порфиритининг кимёвий-минералогик таркиблари ўрганилган бўлиб, Стюдент мезони бўйича гидравлик фаоллиги песчаникда ( $t=9,15$ ) ва порфиритда ( $t=24,47$ ) О'з DSt 901-98 бўйича белгиланган чегаравий ( $t>2,07$ ) қийматлардан юқорилиги исботланган. Эркин оҳакни ютиш бўйича пуццолан қобилиятлари аниқланган. Олинган натижалар асосида уларни цементга фаол минерал қўшимчалар сифатида қўллаб, механик мустаҳкамлик кўрсаткичлари юқори бўлган боғловчилар олиниши илмий асослаган.
3. Цементларда  $C_3A$ ни улуши камайиши ва гидроалюминатлар кам миқдорда ҳосил бўлиши ҳисобига, алюминий ионлари кальций гидросиликатларини структурасида жойлашиб, цемент композитини ПЦ400-Д0 даражасида зичланиши ва мустаҳкамланишида алоҳида ўрин тутадиган тоберморитнинг  $A_1$ -ли аналоглари – филлипсит ҳосил бўлиши эҳтимоли кўрсатилган;
4. Минерал қўшимчаларни цемент ишлаб чиқаришдаги туйиш жараёнида механик фаоллаштирилиши ҳисобига уларнинг минералогик таркиблари ва структурасини аморфлашган наноструктурали кўринишга ўзгариши аниқланган;
5. Клинкер, порфирит ва песчаникни биргаликда туйиш ҳисобига композицион боғловчи материаллар олиш технологияси ишлаб чиқилган, олинган намуналарнинг физик-механик хоссалари тўлиқ ўрганилган, ГОСТ 31108-2020да белгиланган талабларига мувофиқлиги аниқланган ва ушбу технология «Қарақалпақ цемент» ҚК МЧЖ да ишлаб чиқаришга жорий этилган;
6. Қимматбаҳо ПЦ клинкер таркибига 20% гача кремнеземи юқори маҳаллий қўшимчалар-песчаник ва порфиритлар киритиш ҳисобига, композицион боғловчи материалларнинг таннархини 490 000 сўм/т. дан 394 800 сўм/т гача пасайишига ва юқори иқтисодий самара олишга эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.11.2021.Т.55.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ УРГЕНЧСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХАДЖИЕВ АЗАМАТ ШАМУРАТОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ И СВОЙСТВА КОМПОЗИЦИОННЫХ ВЯЖУЩИХ  
МАТЕРИАЛОВ С НОВЫМИ ВИДАМИ ДОБАВОК НА ОСНОВЕ  
НЕОРГАНИЧЕСКОГО СЫРЬЯ ПРИАРАЛЬЯ**

**02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ургенч – 2023**



**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.3.PhD/T3023**

Диссертация работа выполнена в Ургенчском Государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен в веб-странице научного совета в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Атабаев Фаррух Бахтиярович**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:** **Алимов Умарбек Кадырбергенович**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Искандеров Ахмед Максетбаевич**  
доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Навонийский государственный горно-технологический университет**

Защита диссертации состоится «12» мая 2023 году в «10<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.11.2021.T.55.06 по присуждению научных степеней при Ургенчском государственном университете по адресу: 220100, г. Ургенч, ул. Х.Алимджана, 14.

Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-66-16; [www.urdu.uz](http://www.urdu.uz), e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ургенчского государственного университета (зарегистрирован за № ).220100, г. Ургенч, ул. Х.Алимджана, 14. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-66-16

Автореферат диссертации разослан «28» апрель 2023 г.

(реестр протокола рассылки №3 от «28» апрель 2023 г.



**Жуманиязов М.Ж.**

Председатель Научного совета  
по присуждению ученой степени д.т.н., профессор

**Аитова Ш.К.**

Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученой степени, к.т.н., доцент

**Курамбасв Ш.Р.**

Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученой степени, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня производство строительных материалов в развитых странах мира стремительно развивается. Мировой объем производства цемента в 2020 году составил 4,2 млрд. тонн, а к 2030 году темпы его роста составят 1,8%, а объем ожидается на уровне 5,0 млрд тонн. Производство цемента в таком объеме требует использования качественного сырья и ресурсосберегающих технологий. При этом с каждым днем все более актуальным становится вопрос использования в производстве цемента специальных активных добавок и увеличения выхода продукта и улучшения его эксплуатационных свойств. В этом случае, используя минеральное сырье и техногенные ресурсы, особенно важно получение модифицированных экспортозамещающих минеральных вяжущих с использованием дефицитных и ненативных активных минеральных добавок. Наряду с использованием нетрадиционного сырья в производстве минеральных вяжущих в научно-исследовательских центрах мира возрастает вес научных исследований, направленных на использование различных техногенных отходов и добавок с высокой активностью. Это, в свою очередь, показывает эффективность научных исследований, направленных на обеспечение строительной отрасли недорогим, качественным продуктом наряду с увеличением объемов продукции. Исходя из этого, особое внимание уделяется проведению и внедрению исследований, направленных на увеличение размерных и эксплуатационных свойств изделия за счет введения в минеральное вяжущее добавок с высокой активностью.

Исходя из наличия сырья, энергии и энергетических ресурсов для производства минеральных вяжущих в нашей республике достигаются определенные научные и практические результаты в получении качественных вяжущих. В разделе указа Президента «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»<sup>1</sup>, названной «Развитие национальной экономики, обеспечение ее роста на уровне современных требований» «Производство новых видов материалов и технологий с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья, обеспечение конкурентоспособности отечественных товаров на внутреннем и внешнем рынках» отмечены важные задачи. В связи с этим актуально проведение исследований по разработке вяжущих материалов из местного сырья и промышленных отходов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению указанных задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-2731 от 18 января 2017 года «Государственная программа развития региона Приаралья на 2017-2021 годы», ПП-4335 от 25 мая 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию

---

<sup>1</sup> [УП-60-сон 28.01.2022. О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы \(lex.uz\)](https://lex.uz)

промышленности строительных материалов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий VII – «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** Исследования по разработке способов подавления щелоче-кремнеземных реакций в цементе с использованием минеральных добавок неорганического происхождения, способных взаимодействовать с  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  с образованием кальцево-силикатного гидрогеля проведены Ю.М. Баженовым, М.М. Сычевым, В.В. Тимашевым, Т.В. Кузнецовой, М.Я. Бикбау, М.И. Кузьменковым, Т.С. Куницкой, А.К. Сатыбалдиевым, С.В. Самченко, Е.Ю. Маловой, А.М. Маноха, S. Joseph, S.Bishnoi, Balen K.Van, X.-Y.Wang, Y.Luan, В. В. Бабковым, А.И. Габитовым, Р.Р. Сахибгареевым, И.С. Сагитовой, Р.С.Федюком, Е.М. Макаровым, J.A. Larbi, J.M. Bijen, L.R. Roberts, W.R. Grace, Я.Г. Назировым, Е.Г. Матвеевой, С.С. Каприеловым, М.Е. Воронковым и многими другими учеными и исследователями.

В повышении долговечности, в частности, сульфатостойкого портландцемента путем замены части высокоалитового клинкера алюмосиликатными добавками, весомый вклад внесли также ученые нашей страны: И.С. Канцпольский, М.Г. Гулямов, Т.А. Атакузиев, М.И. Искандарова, З.П. Пулатов, Ф.Б. Атабаев, А.М. Искендеров, Г.Б. Бегжанова, З.А. Мухамедбаева, Х. Л. Усманов, Д.К. Адылов, Д.Д. Мухиддинов, Б.Б. Батыров, А.Г. Нимчик и др.

